

## Ботир ва Фаррух Зокировлар ижодига бағишлаб ижодий кеча ташкил этилди

30 апрел 2016



Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ташкил этилган ижодий кеча Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокировнинг 80 йиллиги, Ўзбекистон халқ артисти Фаррух Зокировнинг 70 йиллиги ва “Ялла” ансамблига асос солинганлигининг 45 йиллигига бағишланди. Тадбирда шоир ва бастакорлар, театр артистлари ва эстрада хонандалари, таниқли журналистлар ва кутубхона фойдаланувчилари иштирок этдилар.

Ижодий кечада Зокировлар сулоласи асосчилари, ёрқин намоёндалари ва ҳозирги давомчиларининг ҳаёти ва ижод йўли билан таништирилди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Ашурали Жўраев, Ўзбекистон халқ хофизи Ҳасан Ражабий, ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад, Ўзбекистон халқ артисти Фаррух Зокировлар Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокировни хотирладилар. Таниқли тележурналист, “Звездапад” лойиҳаси муаллифи Шахноза Ғаниева ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Павел Борисовлар Зокировлар сулоласи вакилларининг ўзбек санъати ва маданиятида ўзига хос ўрни ва Ўзбекистонда театр ва эстрада санъати ривожланишига қўшиб келаётган хиссасини алоҳида эътироф этдилар. Ботир Зокиров номидаги фонд директори Равшан Зокиров кеча иштирокчиларини мазкур фонд фаолияти, амалга оширилган ишлари ва келажакдаги режалари билан таништирди.



Кеча иштирокчилари Зокировлар муסיқий сулоласи вакиллари ҳақида кўпгина қизиқарли маълумотларга эга бўлдилар ва Фарруҳ Зокиров ижросида Ботир Зокиров ва “Ялла” чолгу ансамблининг репертуаридан кўшиқлар тинглаш имкониятига эга бўлдилар.